

XX аср ўзбек маърифий шеърлятининг ёмби ижодкори, девон адабиётининг камтар вакили, аллома ва шайх, Накшбандия тарикати муршиди комили, Пайгамбар авлоди, зокир, шокир ва собир сўз санъаткори, Факирий-Шахрисабзий хазратлари нурли табассумлари билан адабиётимизга янгитдан кириб келмокдалар. Факирий ижоди адабиётда чинакам кашфиётдир. У зотнинг мероси орифона мазмуни, ошиконо рухи билан мустамлака даври ўзбек адабиётидаги мудхиш бўшликни тўлдириб туради.

Факирий хазратлари ўтган асрда яшаб ижод этган бўлсалар-да, Аллох таолонинг инояти ила, истиклол даврида у зотнинг номи ва ижоди юзага чикди. Шўро сиёсатдонлари мумтоз шоирни халқдан яшира олмадилар.

Шоир номи давлат микёсида илк марта Шахрисабзнинг 2700 йиллигига багишланган анжуманда Ўзбекистон Президенти томонидан тилга олинди. Дархакикат, доктор, профессор Шодмон Вохидов хамда ёш олим, адибнинг набираси Масъудхон Исмоилийнинг сайъу гайратлари билан Факирий номи жaxon комусларига кирган эди. Бу маънода Факирий уларнинг кашфиётдир.

Дунёнинг хамма жойида давлат рахбари бирор ижодкор–алломага эътибор кўрсатса, бу унинг халқ орасида иззат-эътибор топишига сабаб бўлади. Бу холатдан кейин Факирий ворисларининг кўнгли кўтарилди ва адибнинг бой ижоди фаолрок ўрганила бошланди.

Факирий хазратлари биз ўрганган Ойбек, Гафур Гулом, Шайхзода, Хабибий каби адибларга замондош эсалар-да, шайхлиги, ислоний хаёти, ижодининг илохий маърифатга асослангани боис номлари хам, ижодлари хам асло юзага чикмаган, адиб хам бунга зинхор парво килмасдан: «Бизнинг хазфпорага хам бир харидор топилар-да», деб сабри жамил кўрсатган эдилар. Мана, Аллохнинг лутфу карами билан, адиб ижодига харидор топилди. Истиклол замони у зотнинг меросига талабгор чикди. Кўзлар кўниккан тоғлар орасида ям-яшил, покиза бир чўкки пайдо бўлди.

Тўлик исмлари – Исмоилхон ибн Иброхим Хожа ибн Хидоятуллох ибн Мирзо Калон Абдулазиз Хожаи Шахрисабзий.

Тахаллуслари – Факирий-Шахрисабзий; шеърлярида Факрий, Факир шаклларида хам келади. Халили Ихвон тахаллуслари хам бўлиб, бу номни тогалари – шоир Конё Шукруллох Хожа кўйганлар ва ундан шоирнинг таваллуд тарихларини чикарганлар. Абжад хисобида бу тахаллус ракамларидан хижрий 1328 йил чикади.

Тошкентда шоир Хабибий билан кўришганларида, «Факирий» тахаллуси замон мафкурасига тўгри келмаслигини ўйлаб, у зотга Халилий деган тахаллус танлаб берадилар. Факирий эса хурмат юзасидан, бу тахаллусда бир шеър ёзиб, уни Хабибийга багишлайдилар. Шундан сўнг яна «Факирий» тахаллусларига содик коладилар.

Исмоилхон Факирий айна рус боскини даврида – милодий 1910 йил, хижрий 1328 йилда Шахрисабзда таваллуд топдилар. Уч ёшда оталаридан, тўрт ёшда устоз боболаридан

жудо бўлиб, аввал оналари, кейин тогалари тарбиятларида камол топиб, илм–маърифат сохиби бўладилар. Куръони каримни тўлик ёд оладилар. Адиб 1980 йилда хозирги Кашкадарё вилояти, Китоб тумани, Сарийосиё кишлоғида вафот этдилар. Авлодлари хозирги вақтда мазкур манзилда яшайдилар.

Шахрисабз Русия боскинидан кейин ҳам то 1917 йилларгача ўз маърифий мавқеини саклаб келган. Ундан сўнг мактаб-мадрасалар расман йўкотилган бўлса-да, сайидлар ва тарикат мансублари юрти сифатида шу кунгача ўз эътиборини йўкотмаган. Мустамлака даврида Факирий, Равнакий, Махдум Хамидий, шоир Конё сингари шайх ва аллома–ижодкорларнинг яшагани бунга далилдир.

Шахрисабзда неча-неча улуг зотлар ўтган, аммо у тарихда Сохибқирон Амир Темур тугилиб ўсган юрт сифатида ҳам машхурдир. Унда темурийлар дахмаси, азиз-авлиёлар марқади, Амир Темурнинг жасадсиз макбараси мавжуд. Шу боис шоир Шахрисабз хусусидаги туркий ва форсий шеърларида ўз юртларини Сохибқирон номи билан улуглайдилар.

Бизни(нг) Ватан – жойи сурур, айш ила халки барча хур,  
Илму маърифат конадур, йўк дилда армон ўзгача, -

дея шоир орзу-армонлари ватанда илму маориф эканини изхор этадилар.

Номларидаги «Шахрисабзий» деган илова махсус шоирона тахаллус эмас, балки мазкур Ватанга мансублик гувоҳномасидир.

«Девони Факирий»

Факирий баёзлари 1950-1965 йилларда тузилган бўлиб, ўзлари танлаб, саралаб киритган шеърлардан иборат. Девон мумтоз назм санъатининг деярли барча турларидан: газал, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мустахзод, маснавий, рубоийёт ва китъалардан таркиб топган. Китобда татабуъ ва тазминлар бирмунча бўлиб, мувашшах ва мутойиботдан - хазил шеърлардан ҳам холи эмас. Шеърларнинг кўпи асл санъат намуналаридир.

Девон анъанасига мувофиқ, худди Навоий, Фузулий ва Нодиралар каби, Факирий ҳам ўз девонларига дебоча битганлар. Дебоча меҳрибон ва раҳмли Аллох исми билан бошланиб, Хак таолога ҳамду сано айтиш ва хазрати Расулulloхга саловот келтириш билан давом этади. Унда шоирнинг киска хасби холлари ва дунёда бир ёдгор колдириш иштиёқлари юксак одоб ва валийларга хос хоксорлик билан баён этилган. Аммо шоирнинг камтарликларида ҳам кучли жасорат, ёркин истеъдод ва юксак маърифат нури балкиб туради. Чунончи, адиб ёзадилар:

«Токи ўн беш ва ўн олти ёшларимдан бошлаб, шоирлар зумрасига кўшулишга жиддий харакат кўргузган бўлсам-да, бу ишга, биринчидан, билимсизлик, ва иккинчидан, замонамизни(нг) кундалик ўзгаришлари натижасида шеър ёзолмасдан, ва ёзганларим ҳам хар жойларда бепарволик билан қолиб, ва баъзилари эса биродарони киромийлар

талабларига мувофик уларга юборилиб, кўлимда бори хам жуздонга дарида ва жариди бўлуб ётар эди...»

Бу киска сўзда кўп маъно ва кисмат манзаралари бор. Чунончи, «замонанинг кундалик ўзгаришлари», муаллифнинг ўз таъбирлари билан айтганда, «шўролар ҳукумати ташкил топиб, бутун Ўзбекистон ва Тожикистон ва Бухоро туфроғларида хам хукмронлик шевасини юргизгани» дир. Яъни, қадимий мадрасалар беркитилган, халқнинг тарихини йўқотишга уринилган, дахрийлик салтанати ўрнатилган, мумтоз адабиёт таҳкирланган, маърифатли истеъдод соҳиблари мувозанатини йўқотиб, шеър ёзолмай қолган.

Йиллар ўтиб, шоир айтадилар: «Аммо кўнглимдан гоҳо шундоғ кечар эрдик, «Эй тан, сан дунёга келиб, нима бўлдунг ва нима иш қилдинг?! Бори, сан дунёдан гузар қилсанг, сандан нима ёдгор қолади?! Ва бир иш қилгилки, ўзунгдан кейин сандан бир нишонани ёдгор қолсун», дея шоир ижодга киришиб, девон тузадилар.

Шоир ўз асарларини нолайик ва номуносиб санаб, Фузулий ва Навоидан гўзал қалдалар топадилар. Фузулий таъбирларича, «Дунё бир бозордир. Бозорга ҳар қим ўз матохини олиб чиқади. Аҳли дунё сийму зар-олтин қумушларини савдога қўйса, санъат аҳли ўз фазлу қамолини ўртага қўяди». Навоий таъбирларига қўра: «Дунёда сарву гулу қоланинг харидори бор, лекин тиканнинг хам ўз бозори бор. Тиканни хам биров олиб, ўчоққа қалайди, нон пиширади, уйни иситади».

**ШОИР ЁЗАДИЛАР: «АЛХАҚ, МАНИ(НГ) ЁЗГАНЛАРИМ ХАР ЧАНД БИР ХАРЗА ВА НОМУНОСИБДУР, АММО ХАР ҚИМ БОЗОРГА ЎЗ БИСОТИГА БОР МАТОИНИ ОЛИБ ҚИРАДИ. МАСАЛАН, БИРОВ БЎЗ СОТАДИ ВА БИРОВ ШОХИЙ. ВА ХАР ҚИМ ҚОЗОНГА ХАР НА ТОПГАНИНИ СОЛАДИ: БИРОВ ПАЛОВ, БИРОВ АТАЛА».**